



## O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASINING QARORI

20 **24** yil « **25** » **oktabr**

№ **706**

Toshkent sh.

### **Аутстаффинг хизматларини кўрсатиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида**

Ўзбекистон Республикасининг “Аҳоли бандлиги тўғрисида”ги Қонуни 16-моддасига мувофиқ, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон–2030” стратегиясини “Ёшлар ва бизнесни қўллаб-қувватлаш йили”да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида” 2024 йил 21 февралдаги ПФ–37-сон Фармони ижроси юзасидан ҳамда аҳолини иш билан таъминлашнинг илғор шаклларини ривожлантириш орқали аҳоли бандлигини янада ошириш ва тадбиркорлик субъектлари учун қўшимча имкониятлар яратиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

#### **1. Қуйидагилар:**

Ўзбекистон Республикасининг “Аҳоли бандлиги тўғрисида”ги Қонуни 16-моддасида аутстаффинг хизматларини кўрсатиш тартиби ва аутстаффинг хизматларини кўрсатиш тўғрисидаги шартномалар бўйича бажарилишига йўл қўйилмайдиган ишлар турларининг рўйхати Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланиши;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 21 февралдаги ПФ–37-сон Фармони билан тасдиқланган “Ўзбекистон – 2030” стратегиясининг Ҳар бир инсонга ўз салоҳиятини рўёбга чиқариш учун муносиб шароитлар яратиш йўналиши бўйича 2024 йилда ишлаб чиқиладиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари рўйхати 14-бандида аҳолини иш билан таъминлашнинг илғор шаклларини ривожлантириш орқали бандликни янада кенгайтириш ва тадбиркорлик субъектлари учун имкониятлар яратиш белгиланганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

#### **2. Қуйидагиларни назарда тутувчи Аутстаффинг хизматларини кўрсатиш тартиби тўғрисидаги низоми иловага мувофиқ тасдиқлансин:**

аутстаффинг хизматларини кўрсатиш тўғрисидаги шартномалар бўйича бажарилишига йўл қўйилмайдиган ишлар турлари;

аутстаффинг шартномасининг шартлари, ушбу шартнома бўйича аутстаффер томонидан юборилган ходимлар билан меҳнат муносабатларини тартибга солиш.

3. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари – иқтисодиёт ва молия вазири Ж.А. Қўчқоров ҳамда Ўзбекистон Республикаси камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазири Б.Э. Захидов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Бош вазири**



**А. Арипов**

## Аутстаффинг хизматларини кўрсатиш тартиби тўғрисида НИЗОМ

### 1-боб. Умумий қоидалар

1. Мазкур Низом юридик шахслар томонидан бошқа юридик шахсларга аутстаффинг хизматлари кўрсатилиши тартибини белгилайди.

2. Мазкур Низомда қуйидаги тушунчалардан фойдаланилади:

**аутстаффер** – белгиланган тартибда аутстаффинг хизматларини кўрсатиш учун қабул қилувчи ташкилот билан аутстаффинг шартномасини тузган юридик шахс (иш берувчи);

**аутстаффинг хизмати** – аутстаффер томонидан ўз ходимларини уларнинг розилиги билан бошқа юридик шахсларга (қабул қилувчи ташкилотга) ушбу ходимлар томонидан аутстаффер ва унинг ходими ўртасида тузилган меҳнат шартномаларида ҳамда жамоа келишувларида белгиланган меҳнат вазифаларини бажариш учун вақтинча юбориш йўли билан кўрсатиладиган хизмат тури;

**аутстаффинг шартномаси** – қонунчиликка мувофиқ аутстаффер ва қабул қилувчи ташкилот ўртасида ходимларни вақтинча иш билан таъминлаш бўйича пулли хизматларни кўрсатиш тўғрисида тузилган шартнома. Бунда шартномага мувофиқ аутстаффер ўз ходимларининг розилиги билан қабул қилувчи ташкилотнинг манфаатлари, бошқаруви ва назорати остида ушбу ходимларни меҳнат вазифаларини бажариш учун вақтинча юборади;

**қабул қилувчи ташкилот** – аутстаффер билан аутстаффинг шартномасини тузган юридик шахс. Бунда шартномага мувофиқ қабул қилувчи ташкилот вақтинча ўз манфаатлари нуқтаи назаридан ўз бошқаруви ва назорати остида юборилган ходимларнинг меҳнатидан фойдаланади;

**юборилган ходим** – меҳнат шартномаси тузилган ҳолда аутстаффернинг штатида туриб, аутстаффинг тартибида қабул қилувчи ташкилотнинг бошқаруви ва назорати остида унинг манфаатлари учун ишлашга ёзма розилик берган ходим.

3. Аутстаффер томонидан ўз ходимларининг меҳнат вазифаларини Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарида бажариш учун юборилиши билан боғлиқ аутстаффинг хизматларини кўрсатишга йўл қўйилмайди.

4. Аутстаффинг хизматлари ушбу Низомга иловага мувофиқ схема бўйича белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси ҳудудида рўйхатдан ўтган юридик шахслар томонидан кўрсатилади.

## 2-боб. Аутсафтинг шартномаси

5. Аутстаффер қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ қабул қилувчи ташкилот билан аутстафтинг шартномасини тузади.

6. Қабул қилувчи ташкилотга аутстаффер томонидан касбий малака талабларига мувофиқ зарур миқдордаги ходимларнинг ишга юборилиши аутстафтинг шартномасининг предмети ҳисобланади ва пулли хизматлар кўрсатилиши аниқ белгиланади.

7. Аутстафтинг шартномаси бўйича:

### **а) аутстаффернинг асосий мажбуриятлари қуйидагилардан иборат:**

ходимларнинг розилиги билан қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда меҳнат шартномаларини тузиш, шунингдек, меҳнат қонунчилиги ҳамда ушбу меҳнат шартномалари шартларига риоя қилиш;

қабул қилувчи ташкилотларга тегишли малакага эга бўлган ва зарур миқдордаги ходимларни юбориш;

юборилган ходимлар иш жойларига ўз вақтида келишини таъминлаш;

юборилган ходимларга иш ҳақи ўз вақтида тўланишини таъминлаш;

юборилган ходимларнинг ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисалар ва касб касалликларидан иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурталаш;

юборилган ходимларни қонунчилик ҳужжатларида ҳамда ички ҳужжатларда (жамоа шартномаси, меҳнат шартномаси ва бошқалар) назарда тутилган кафолатлар, имтиёзлар ва бошқа тўловлар билан таъминлаш;

юборилган ходимларнинг қонунчилик ҳужжатларида, жамоа келишувида, жамоа шартномасида ва меҳнат шартномасида белгиланган тартибда ҳамда муддатларда дам олишини таъминлаш;

юборилган ходимлар билан меҳнат шартномасини тузишда қабул қилувчи ташкилотга оид тижорат ва хизмат маълумотлари (ахборотлари) қабул қилувчи ташкилотнинг рухсатсиз ошкор этилмаслигини белгилаш;

### **б) қабул қилувчи ташкилотнинг асосий мажбуриятлари қуйидагилардан иборат:**

юборилган ходимларни иш билан таъминлаш ва иш вақти режимига риоя қилиш;

юборилган ходимларни меҳнатни ташкил этиш талаблари, меҳнатни муҳофаза қилиш ва ёнғин хавфсизлиги ҳамда бошқа зарур талаблар билан таништириш;

юборилган ходимларни меҳнат вазифаларини бажариши учун талаб қилинадиган малакага мувофиқ зарур бўлган асбоб ва ускуналар, техник ҳужжатлар ҳамда бошқа воситалар билан таъминлаш;

юборилган ходимларнинг меҳнатни муҳофаза қилиш норматив талабларига мувофиқ бўлган меҳнат хавфсизлиги ва шарт-шароитларини таъминлаш;

юборилган ходимлар меҳнатини бошқариш, шу жумладан, меҳнатни ташкил этиш, иш вақтини ҳисобга олиш ва меҳнат меъёрларига риоя қилиш;

аутстафферга юборилган ходимлар меҳнатидан қабул қилувчи ташкилот томонидан амалда фойдаланишнинг мувофиқлиги, шунингдек, меҳнат қонунчилиги нормаларига мувофиқлиги устидан назоратни амалга ошириш учун шароит яратиш.

Аутстаффинг шартномасининг тарафлари қонунчилик ҳужжатларида ёки шартномада тўғридан-тўғри белгиланган бошқа, шунингдек, аутстаффинг шартномаси орқали ходим қабул қилувчи ташкилотга юборилганда, унинг яшаш жойи билан боғлиқ харажатларни бартараф этиш ҳамда фарзандларининг таълим (давлат умумтаълим мактаби ва мактабгача таълим ташкилоти) билан таъминланиши каби мажбуриятларга эга бўлиши мумкин.

8. Аутстаффинг хизматлари учун тўлов аутстафферга қабул қилувчи ташкилот томонидан тўланади ва қуйидагиларни ўз ичига олади:

юборилган ходимларнинг иш ҳақи, иш ҳақига тенглаштирилган бошқа тўловлар ва нафақаларни тўлаш учун аутстаффернинг харажатлари;

аутстаффинг хизматларини бажариш билан боғлиқ бўлган аутстаффернинг кўшимча харажатлари;

аутстаффернинг кўрсатилган хизмат учун тадбиркорлик даромадлари.

Аутстаффинг шартномасида аутстаффинг хизматлари учун тўловларни тўлаш тартиби (ҳисоб-китоб қилиш тартиби, даврийлиги ва бошқалар) кўзда тутилади.

9. Аутстаффинг шартномасида аутстаффер томонидан қабул қилувчи ташкилот манфаатлари учун ишларни бажаришда ходимларни юбориш муддати, шунингдек, қабул қилувчи ташкилотга юборилган ходимларнинг меҳнат ҳуқуқларига риоя этиши устидан аутстаффер томонидан назорат механизлари белгилаб қўйилиши шарт.

10. Шартномага илова сифатида юборилган ходимлар бўйича маълумотлар, уларнинг малакасини кўрсатган ҳолда иш турлари рўйхати ва аутстаффинг шартномаси шартларини аниқ кўрсатадиган бошқа маълумотлар бўлиши мумкин.

11. Аутстаффинг шартномаси бўйича қабул қилувчи ташкилотга юборилган ходим билан меҳнат муносабатларидан келиб чиқадиган аутстаффернинг мажбуриятлари, шу жумладан:

иш ҳақи, меҳнат таътили тўлови ва меҳнатга вақтинча қобилиятсизлик бўйича нафақа, меҳнат шартномаси бекор қилинганидан кейин тўловлар;

меҳнатда майиб бўлиш ёки касб касаллиги билан боғлиқ компенсация тўловлар;

қонунчилик ҳужжатлари ва меҳнат шартномасига асосан ходимга тегишли бўлган бошқа тўловлар тўғрисида қабул қилувчи ташкилот субсидиар жавобгарликни ўз зиммасига олади.

12. Аутстаффинг шартномаси тарафларнинг келишуви ёки шартноманинг ўзида назарда тутилган шартлар асосида бекор қилинади.

### **3-боб. Аутстаффинг шартномаси бўйича бажарилишига йўл қўйилмайдиган ишлар турлари**

13. Аутстаффинг шартномаси бўйича қуйидаги ишлар бажарилишига йўл қўйилмайди:

қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ юқори хавфли объектлар (ускуналар) сифатида таснифланган объектлар ва ускуналар, шу жумладан, портлаш ва ёнғин хавфи бор, агрессив (тажовузкор) ва (ёки) радиоактив хавфли асбоб-ускуналар бўйича ишларни бажаришда;

қабул қилувчи ташкилотда тўловга қобилиятсизлик тартиб-таомилларини амалга ошириш ишлари бажарилганда, иш жойларини сақлаб қолиш учун тўлиқ бўлмаган иш вақтини киритганда, шунингдек, ходимларни оммавий равишда ишдан озод қилиш хавфи мавжуд бўлган тақдирда.

Қонунчилик ҳужжатларида ходимларни аутстаффинг хизматларини кўрсатиш тартибида йўналтириш бўйича бошқа чекловлар ҳам кўзда тутилиши мумкин.

14. Аутстаффинг шартномаси орқали ходимларни қабул қилувчи ташкилотга юбориш муддати бир календарь йил давомида тўққиз ойдан ошмаслиги керак.

Тарафларнинг келишуви ва ходимнинг розилиги билан ушбу банднинг биринчи хатбошисида кўрсатилган муддат узайтирилиши мумкин.

### **4-боб. Аутстаффинг шартномаси бўйича аутстаффер томонидан юборилган ходимлар билан меҳнат муносабатларини тартибга солишнинг ўзига хос хусусиятлари**

15. Аутстаффер ходимни аутстаффинг шартномаси бўйича қабул қилувчи ташкилотга ишлашга юборганда, ходим ва аутстаффер ўртасидаги меҳнат муносабатлари давом этади.

16. Аутстаффинг шартномаси асосида ходимларни қабул қилувчи ташкилотга юбориш аутстаффер ва ходим ўртасида тузилган меҳнат шартномасидаги аутстаффернинг мажбуриятларини бажариш жавобгарлигидан озод қилмайди.

17. Қабул қилувчи ташкилотга ишлашга юборилган ходим билан аутстаффер томонидан тузилган меҳнат шартномаси ходимнинг аутстаффер буйруғи билан қабул қилувчи ташкилотнинг манфаатлари, бошқаруви ва назорати остида маълум бир меҳнат вазифасининг ходим томонидан бажарилиши шартини ўз ичига олиши керак.

18. Аутстаффер томонидан қабул қилувчи ташкилотга юборилган ходимлар иш ҳақи ва меҳнат шароитлари худди шундай меҳнат вазифаларини бажарадиган ва бир хил малакага эга бўлган қабул қилувчи ташкилот ходимларининг иш ҳақи ва меҳнат шароитларидан паст (ёмон) бўлмаслиги керак.

19. Ходим ва аутстаффер ўртасидаги якка тартибдаги меҳнат муносабатлари даври тўғрисидаги маълумотлар белгиланган тартибда ходимнинг меҳнат дафтарчасига (электрон меҳнат дафтарчасига) киритилади.

Ходимнинг илтимосига биноан қабул қилувчи ташкилотдаги меҳнат тўғрисидаги маълумотлар ходимнинг меҳнат дафтарчасига (электрон меҳнат дафтарчасига) аутстаффер томонидан киритилади.

20. Аутстаффер томонидан юборилган ходимларнинг аутстаффинг тартибида ишлашига оид маълумотлар (меҳнат шартномаси, қўшимча келишув, буйруқ рақами ва санаси, қабул қилувчи ташкилот номи ва солиқ тўловчининг идентификация рақами ва жисмоний шахснинг шахсий идентификация рақами (ЖШШИР), ходимларни қабул қилувчи ташкилотга юбориш муддати) “Ягона миллий меҳнат тизими” идоралараро дастурий-аппарат комплексига киритилади.

21. Ўзбекистон Республикаси Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги аутстафферлар ва юборилган ходимларга оид маълумотларнинг “Ягона миллий меҳнат тизими” идоралараро дастурий-аппарат комплексида рўйхатдан ўтказилишини, ушбу Низом ва бошқа меҳнат қонунчилиги талабларига риоя этилишини назорат қилади.

22. Юборилган ходимлар қабул қилувчи ташкилотнинг меҳнатни ташкил этиш, меҳнатни муҳофаза қилиш, ёнгин хавфсизлиги ва меҳнат вазифаларини бажариш учун зарур бўлган бошқа талабларга риоя қилиши шарт.

23. Қабул қилувчи ташкилотда юборилган ходим билан ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодиса содир бўлган тақдирда, ушбу ташкилот томонидан аутстаффер вакилининг мажбурий иштирокида бахтсиз ҳодисани текшириш учун комиссия тузилади.

Ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодиса қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ текширилади.

24. Давлат ташкилотлари қабул қилувчи ташкилот бўлган тақдирда:

юборилган ходимларнинг малака талаблари ушбу ходим томонидан вазифасини бажарадиган касб (лавозим) учун қонунчиликда белгиланган малака талабларига мос бўлиши;

юборилган ходимларни штатлар жадвалида белгиланган ходимлар сони доирасида қабул қилиши лозим.

### **5-боб. Яқунловчи қоидалар**

25. Аутстаффер ва ходим ўртасидаги меҳнат низолари қонунчиликда белгиланган тартибда ҳал этилади.

26. Мазкур Низом талабларининг бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ жавоб берадилар.

Аутстаффинг хизматларини кўрсатиш  
тартиби тўғрисидаги низомга  
илова

Аутстаффинг хизматларини кўрсатиш  
СХЕМАСИ

Босқичлар	Субъектлар	Тадбирлар	Муддатлар
1-босқич	Қабул қилувчи ташкилот (юридик шахс)	1. Аутстаффинг асосида қабул қилиш учун зарур бўлган қўшимча ходимларга бўлган эҳтиёжни ходимлар сонига қараб белгилайди. 2. Аутстаффинг хизматларини кўрсатиш бўйича аутстафферга таклиф (оферта) билан мурожаат қилади.	Зарурагдан келиб чиқиб
2-босқич	Аутстаффер, қабул қилувчи ташкилот	Аутстаффинг шартномасини тузади.	Келишув асосида
3-босқич	Аутстаффер	Аутстаффер штагидаги ходимлар билан қабул қилувчи ташкилотда ишларни аутстаффинг тартибида амалга ошириш учун меҳнат шартномасига қўшимча келишувлар (меҳнат шартномасига илова) тузади. Зарурагга кўра кейинчалик қабул қилувчи ташкилотга жўнатиш учун талаб қилинадиган малакага эга қўшимча ходимларни жалб қилади. Зарурагга кўра шартномага мувофиқ қабул қилувчи ташкилотга юбориладиган ходимларнинг рўйхатини шакллантиради.	Аутстаффинг шартномасида назарда тутилган муддатда
4-босқич	Аутстаффер	Ходимларни қабул қилувчи ташкилотга етказиб беради. Зарурагга кўра қабул қилувчи ташкилотга юборилган ходимлар томонидан меҳнат шартномаси ва қўшимча келишув шартларига риоя қилинишини назорат қилади.	Ҳар бир қабул қилинган ходим учун ишлаган вақти ва иш хақи тўғрисида ҳисобот тузади
5-босқич	Қабул қилувчи ташкилот	1. Ҳар бир юборилган ходим учун ишлаган вақти ва иш хақи тўғрисида ҳисобот тузади.	Ҳар ойда



		2. Аутстаффинг шартномасига мувофиқ аутстафферга хизмаглари учун тўловни амалга оширади.	Аутстаффинг шартномасидаги шартларга мувофиқ
<b>6-босқич</b>	Аутстаффер	Қабул қилувчи ташкилотга юборилган ходимларга иш ҳақи тўлайди.	Ҳар ойда камида 2 мартаба
<b>7-босқич</b>	Аутстаффер, қабул қилувчи ташкилот	1. Бажарилган ишларнинг далолатномасини тузади. 2. Талабнома юборади. 2. Аутстаффинг шартномаси шартларига мувофиқ тўлиқ ҳисоб-китобни амалга оширади.	Аутстаффинг шартномаси мuddаги тутагандан 10 кундан кечикмай

